



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАТСИЯ МАРКАЗЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ВА АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Ихволиддинов Фахриддин Хусниддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989458>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

KEYWORDS

*профилактика инспектори,
ижтимоий реабилитация,
ҳамкорлик, жиноятларнинг олдини
олиш, реабилитация.*

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторлари ва ижтимоий реабилитация марказлари ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш масаласи муҳокама қилинади. Профилактика инспекторлари жиноятларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнаса, ижтимоий реабилитация марказлари жиноятчиларни ва ижтимоий муаммоларга дуч келган шахсларни қайта жамиятга киритишга ёрдам беради. Мақолада уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва фаолиятни мувофиқлаштириш учун амалий тавсиялар берилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда жиноий жазолар енгиллаштирилиб, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кўпроқ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари қўлланилмоқда. Ушбу ислохотлар орқали инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда жиноий жазолар енгиллаштирилиб, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кўпроқ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари қўлланилмоқда. Бу, албатта, уларга ўз хатосини тўғри англаб, келгусида соғлом турмуш тарзига қайтишларига ва, энг асосийси, оиласи бағрида бўлишларига имкон беради.

Жамиятдаги ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларнинг кўпайтиришининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий фаолиятни йўналтириш учун комплекс ёндашувлар талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб чиқишларида жиноятчиликка қарши курашиш, одамларнинг ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга қайта мослашишини таъминлашга оид муҳим қарорлар қабул қилинган. Мазкур мақола профилактика инспекторлари ва ижтимоий реабилитация марказлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва муаммоларга комплекс ёндашиш учун амалий чора-тадбирларни кўриб чиқади.

Ижтимоий реабилитация ҳамда ижтимоий мослаштириш тушунчаси ҳақида сўз юритишдан аввал “реабилитация” сўзининг маъноси ва ушбу тушунча қайси соҳаларда қўлланилиши ҳақида хабардор бўлиш мақсадга мувофиқдир. “Реабилитация” сўзи лотинча “rehabilitatio” сўздан олинган бўлиб, “тиклаш” деган маънони англатади. Реабилитация тушунчаси юридик соҳадан ташқари тиббиёт ва ижтимоий соҳада ҳам қўлланилади. Хусусан, тиббий реабилитация деганда, организмнинг бузилган фаолиятини, беморлар ва ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклашга қаратилган тиббий, педагогик, психологик чора-табирлар мажмуи тушунилади. Ижтимоий реабилитация деганда эса ногиронлик, миграция, одам савдоси, ишсизлик ва бошқа шу каби муаммолар оқибатида шахс ёки шахслар гуруҳининг йўқолган ёки чекланган ижтимоий ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқ-бузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

Тадқиқотчи Бабаханов Ҳамдам Қадамович “Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади”¹ деб таъкидлаган.

Профилактика инспекторлари ва ижтимоий реабилитация марказлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятига тўхталсак.

Дарҳақиқат, профилактика инспекторлари жиноятчиликка қарши курашиш, жамиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиларни қайта жамиятга киритишнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Улар ахборот тўплаш, жиноят содир этганларни ва ҳуқуқбузарларни мониторинг қилиш, уларнинг реабилитацияга йўналтирилишида иштирок этиш каби вазифаларни бажаради.

Ижтимоий реабилитация марказлари эса жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни ижтимоий ва психологик муаммолардан холи қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларни жамиятга фойдаланиш учун олиб борадиган ўқув ва тренинг дастурлари орқали реабилитация қилишга қаратилган. Ижтимоий реабилитация марказларининг ва профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлиги уларнинг фаолиятини самаралироқ қилишга ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи тушунчасини ёритиб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси “Асосий тушунчалар” деб номланиб унда ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчаларига таъриф берилган. Унга кўра ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс деб келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари

¹ Қадамович, Бабаханов Ҳамдам. “Хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш.” Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4.4 (2024): 33-41.

тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони² ҳамда 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқ-лаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармон³лари билан соҳада амалга оширилган ўзгаришларни айтишимиз мумкин.

Дунё бўйлаб деярли ҳар учинчи аёл ҳаётида камида бир марта жисмоний ёки жинсий зўравонликка учраган. Сўнгги ўн йил ичида ушбу тенденцияни йўқ қилиш бўйича олиб борилаётган тинимсиз ҳаракатларга қарамай, аёлларга нисбатан зўравонликнинг даражаси деярли пасаймади. Хусусан, статистик маълумотларга кўра, ҳар 11 дақиқада дунёда битта аёл ёки қиз оила аъзоларининг қурбонига айланади. БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг ҳисоботида кўра, 40 мингдан ортиқ аёл ёки қиз 2020 йилда турмуш ўртоқлари ёки қариндошлари сабаб вафот этган. Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича расмий статистика ҳамон ёпиқлигича қолмоқда. Марказий Осиё маданиятларида бугунги кунгача эркаклар кўпинча аёлларга иккиламчи одамлар сифатида қарашади.

Жамиятда қиз уй хўжалигини бекаму-кўст юритиши ва бунга ёшлигидан тайёрланиши керак деган қараш қизларга таълим олиш учун туртки бермайди ва зарур шарт-шароитларларни яратмайди.

Шу билан бирга, 2018 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”⁴ги ВМ-309-сон қарори имзоланди. азқур қарорда ижтимоий реабилитация марказлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, жиноятчиликни олдини олишда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш вазифалари белгиланган.

2018 йил 18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁵ги ПҚ-3287-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни ҳамда жамиятдаги ва оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни қўзғата оладиган оилавий ва шахслараро низоларнинг, депрессив вазиятларнинг эрта олдини олиш, шунингдек, ушбу жараёнда кенг жамоатчилик иштирок этишини таъминлаш; ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини йўлга қўйишда, юзага келадиган низоли вазиятларни, биринчи навбатда оилавий-маиший низоли вазиятларни ҳал қилишда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини, шу жумладан фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

низоли вазиятларнинг эрта олдини олишга, энг аввало, «хавф остидаги гуруҳ»да бўлган шахслар ва оилаларни аниқ мақсадда қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон

⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ВМ-309-сон қарори

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июль кунги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3287-сон қарори

реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштиришга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш;

низоли вазиятлар, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатиш сабабларини, ўз жонига қасд қилиш кайфиятини кўзғатадиган омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш каби масалалар белгиланди.

2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”⁶ги 561-сонли Қонуни қабул қилинди. Уни амалга ошириш мақсадида 2020 йил 4 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг —Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида||ги қарори билан хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган қатор ҳужжатлар тасдиқланди. Жумладан, тазйиқ ва зўравонликдан азият чеккан хотинқизларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминловчи ҳимоя ордерини олиш тартиби ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2021 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти зўравонликка учраган аёлларга ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, оилавий ва маиший зўравонликнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорни имзолади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрель кунги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”⁷ги ЎРҚ-154-сон Қонунини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁸ги ПҚ-911-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар маҳкамаси қарори билан Республика Реабилитация Маркази ташкил этилди.

Ушбу марказ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Марказ қуввати – 30 ўринга мўлжалланган. Марказда даволаниш давомида сизга 2-кишилик хона, дамолиш хоналари, турар жой ва 3-махал текин овқат билан таъминланасиз. Ҳамма хизматлар бепул кўрсатилади Марказ томонидан одам савдоси жабрдийдаларига қуйидаги шаклларда ёрдам кўрсатилади:

- Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам,
- Психологик ёрдам,
- Юридик ёрдам,
- Ижтимоий ёрдам,

Республика реабилитация марказининг асосий вазифалари

одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш; одам савдоси жабрдийдаларига кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини таъминлаш;

одам савдоси жабрдийдаларининг қариндошлари билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш;

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги 561-сонли Қонуни

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрель кунги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-154-сон Қонунини

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-911-сон қарори

одам савдоси жабрдийдаларига, уларнинг қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш;

одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш;

одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий ҳаёти ва шахси маҳфийлигига риоя қилиш;

одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда одам савдоси жабрдийдаларини тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Марказга жабрланувчиларнинг қабул қилиш тартиби.

Одам савдоси жабрдийдаларини Республика реабилитация марказига жойлаштириш одам савдоси жабрдийдаларининг ихтиёрий хоҳиши ҳамда реабилитация марказининг директори, ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари томонидан қабул қилинадиган қўшма қарор асосида амалга оширилади.

Одам савдоси жабрдийдалари Республика реабилитация марказига ўттиз кун муддатгача жойлаштирилади. Зарурият бўлганда одам савдоси жабрдийдаларининг яшаш муддати уч ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Агар одам савдоси жабрдийдаларининг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилса яшаш муддати кўрсатиб ўтилган жабрдийдаларни ҳимоя қилиш учун зарур деб ҳисобланган даврга узайтирилади.

Одам савдоси жабрдийдаларига реабилитация марказини уларнинг ўзларининг ёзма мурожаатларига мувофиқ ўз хоҳиши билан тарк этиш ҳуқуқи берилади.

Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдалари бўлган эркаклар ва аёлларни, шунингдек болаларни алоҳида жойлаштиради.

Профилактика инспектори ва ижтимоий реабилитатсия марказлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

Биринчи. Маълумот алмашиш ва мониторинг тизимини такомиллаштириш.

Профилактика инспекторлари ва ижтимоий реабилитатсия марказлари ўртасида самарали маълумот алмашиш механизмини жорий қилиш зарур. Бу механизм ҳар бир жинойт содир этган шахсга нисбатан амалга ошириладиган реабилитация ва мониторинг ишларини мувофиқлаштиришга имкон беради. Яъни, ижтимоий реабилитатсия марказлари профилактика инспекторларига уларнинг ҳолати ҳақида доимий ахборот тақдим этишлари, шунингдек, инспекторлар реабилитация жараёнини кузатиб боришлари керак. Мазкур механизм асосида жинойтчиларнинг ижтимоий ва психологик ҳолати доимий равишда таҳлил қилинади.

Иккинчи. Профилактика инспекторлари учун касбий тайёргарликни кучайтириш.

Профилактика инспекторларининг касбий малакаларини ошириш мақсадида, улар учун махсус тренинглар ва семинарлар ташкил этилиши лозим. Бу тренингларда психологик муаммоларга, ижтимоий хавфларга қарши курашиш, реабилитатсия ва профилактика механизмларини жорий қилишга оид билимлар берилиши керак. Шунингдек, инспекторларга ижтимоий реабилитатсия марказлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш бўйича амалий кўникмалар берилади.

Учинчи. Реабилитатсия ва профилактика дастурларини комплекслаштириш.

Жинойт содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитатсияси учун янги, инновацион дастурлар ишлаб чиқилиши керак. Бу дастурлар ижтимоий реабилитация марказлари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилиши, уларнинг мақсади жинойтчиларни фақат жазолаш эмас, балки уларни жамиятга қайта интеграция қилиш бўлиши лозим. Шунингдек, бу дастурлар жинойтчиларга касбий кўникмалар бериш, оилавий ва ижтимоий муносабатларни тузатишга қаратилган бўлиши керак.

Тўртинчи. Жамоатчиликни жалб қилиш. Профилактика инспекторлари ва ижтимоий реабилитация марказлари жамоатчилик билан яқиндан ишлашлари керак. Бу жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ёрдамига муҳтож бўлган шаклда амалга ошириладиган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Жамоатчиликнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва профилактика тадбирларига жалб қилиш учун махсус медиа кампаниялар ташкил этилиши керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки профилактика инспекторлари ва ижтимоий реабилитация марказлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш жиноятчиликка қарши курашиш, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада келтирилган аниқ таклифлар профилактика ва реабилитация механизмларини янада самаралироқ ишлатиш, жиноятчиларни жамиятга қайта интеграция қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Бунинг учун қонунчиликни такомиллаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш ва касбий тайёргарликни мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-911-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ВМ-309-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июль кунги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3287-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 август кунги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги янги таҳрирдаги ЎРҚ-633-сон Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
11. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам. "ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4.4 (2024): 33-41.